Муаллиф:
23.07.2013 00:39 -

“БИР ЧАКАГА ЎН УЧ ТИЙИН ёхуд лосос балиги, “мурч пуллар” ва дастрўмол

Аввало, пул яшаш учун бир восита холос. Кадимдан у турли кўринишларда мавжуд бўлган. Бирок у каерда кандай аталишидан катъи назар, хар доим бир номга эга хусусиятини йўкотмаган: пул... У хамма учун доимо керак ва ўзига хос кимматга эга.

ПУЛ ЎРНИДА...

Кадимги Новгород шахрида (Россия) пул ўрнига лосос балиги ишлатилган.
Ўрта асрларда Сейлон ва Ява ороллари хамда Хиндистонда кора мурч олтиндек киммат бўлгани учун мурч донаси танга ўрнига ўтган. Перу ва Боливияда хам "мурч пуллар" бўлгани хакида маълумотлар бор.
Индонезиянинг Бутунг ороли ахолиси эса бундан бир неча аср олдин пахта ипидан тўкилган дастрўмолни пул ўрнида ишлатишган.

ЭНГ КАТТА ПУЛЛАР

Энг катта когоз пул 1368-1399 йиллари Хитойда чикарилган, киймати бир кванга тенг бу пул 22,8х33,0 см. ўлчамли когозга босилган.
Дунёдаги энг огир танга шведларнинг 1644 йили зарб килинган ўн талерли мис тангаси бўлиб, унинг вазни 19,7 килодир.
Якинда эса Австралияда пластмасса пластинкалардан ясалган, киймати ўн долларлик пуллар муомалага чикарилди.

ТУРКИЯ

Турк лираси 100 курушга баробардир. Айирбошлаш курси тез-тез ўзгариб туради. Шу сабабли, бу ерда пулнинг хаммасини алмаштириш шарт эмас. Деярли хамма жойда тўловлар учун евро ва АКШ доллари кабул килинади. Мехмонхона ва дўконларда асосан кредит карталари, улар: Visa, American Express, Master Card ва бошкалар.
Биласизми?
Японияда барча когоз пуллар бир жойга тахлаб чикилса, унинг баландлиги 3776 метрли Фудзияма тогидан 153 марта баланд бўлар экан. Японлар бежизга биринчилардан бўлиб накдсиз тўлов усулига ўтишмаган экан-да!

ХИНДИСТОН

Пул бирлиги – хинд рупияси, 100 пайсага тенг. Хорижий валютани олиб кириш чегараланмаган, миллий валютани олиб чикиб кетиш эса таъкикланган. Пулни алмаштирганлик квитанциясини саклаш лозим. Мазкур квитациялар чипта олиш ва рупияни валютага алмаштириш вактида керак бўлади.

МАЛАЙЗИЯ

Миллий пул бирлиги - малайзия ринггитидир. 1 ринггитда 100 цент бор. Йирик банкларда, мехмонхона, савдо марказларида кредит карталари ишлатилади. Валютани расмий курсда хар кандай банк, аэропорт, мехмонхона ва айирбошлаш шохобчасида

алмаштириш мумкин.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

БААнинг пул бирлиги - дирхам, у 100 филсга баробар. Шунингдек, АКШ доллари хам тўлов учун кабул килинади, бирок бу ерда дирхамда пул тўлаш бирмунча фойдалирок.

МИСР

Мамлакатнинг пул бирлиги – миср фунти. Пиастр – айирбошланадиган танга пул. Битта миср фунтида 100 пиастр бор. Хорижий валютани банкларда, мехмонхонларда алмаштириш мумкин. Банкдаги айирбошлаш курси гранд-отеллардагига нисбатан бирмунча фойдалирок. Кредит карточкаларини асосан йирик мехмонхоналар кабул киладилар, дўконларда хар доим хам кабул килмайдилар. Мисрда фунтларга алмаштирилган маълумотномаларни ташлаб юборманг, негаки, улар мехмонхона билан хисоб–китоб амалга оширилганида ва колган фунтларни долларга алмашатиришда керак бўлади.

ИНДОНЕЗИЯ

Миллий пул бирлиги - индонезия рупияси хисобланади. Пулни банкларда айирбошлаш тавсия этилади, бу ерда энг фойдали айирбошлаш курси бор. Квитанцияларни саклаб кўйинг, негаки, мамлакатдан чикиб кетишингизда ва индонезия рупиясини бошка валютага айирбошлаш вактида керак бўлади.
Бристол мустакил валютасига эга бўлди
Англиянинг Бристол шахрида янги пул муомалага чикарилади. У “Бристол фунти” деб номланди. Уни ишлаб чикишдан максад мамлакатда давом этаётган глобал молиявий инкирозга карши курашишга каратилган. Шунингдек, махаллий компанияларнинг халкаро корпорациялар билан муваффакиятли ракобат килишига, шахарнинг савдо-иктисодий тараккиётига хизмат килади. Сентабр ойидан муомалага чикариладиган бу валютанинг хозирча “1”, “5”, “10” ва “20” фунтлик банкнотлари чикарилади.

“ЭНГ ЧИРОЙЛИ ПУЛЛАР”

Кадимги Юнонистонда кумуш тангаларга бошок расми, хозирги Ливан тангасида кедр дарахти, Въетнамнинг ўн донгли тангасида шоли попуги, Малининг юз франкли тангасида эса маккажўхори сўтаси тасвири туширилган.
1967 йилдан бошлаб кенг муомалага киритилган Сингапур доллари кушлар, кемалар, гуллар ва бошка нарсалар билан безатилган. Бу пул дунё пуллари ичида хам энг чиройли бўлишга даъвогарлик килади.

“БИР ЧАКАГА 13 ТИЙИН”

Россия зарбхонаси маълумотига кўра, битта беш рублли тангани тайёрлашга 67 тийин, икки рублли тангага – 79 тийин, бир рубллига – 35 тийин, эллик тийинликка – 26 тийин, бир тийинлик чакани ясашга эса 13 тийин маблаг сарф бўларкан.

Шох Жахон тайёрлади

Муаллиф:
23.07.2013 00:39 -